

## ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

### Доцентлар

Тиббий педагогика факультетининг “Анатомия ва ОЖТА” кафедраси

ОМХ факультетининг “Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш” кафедраси

Даволаш факультетининг “УАШ тайёрлаш клиник аллергология ва 1-сон УАШ қайта таёрлаш ва малакасини ошириш ўқув курси” кафедраси

### Катта ўқитувчилар

Тиббий профилактика факультетининг “Жамоат соғлиғини сақлаш мактаби” кафедраси

Тиббий педагогика факультетининг “Педагогика ва психология” кафедраси

Тиббий педагогика факультетининг “Анатомия ва ОЖТА” кафедраси

### Ассистентлар

Тиббий профилактика факультетининг “Халқ тиббиёти, реабилитология ва жисмоний тарбия” кафедраси

Тиббий профилактика факультетининг “Жамоат соғлиғини сақлаш мактаби” кафедраси

Тиббий профилактика факультетининг “Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси” кафедраси

ОМХ факультетининг “Тиллар” кафедраси  
ОМХ факультетининг “Суд тиббиёти” кафедраси

Тиббий педагогика факультетининг “Педагогика ва психология” кафедраси

Тиббий педагогика факультетининг “Анатомия ва ОЖТА” кафедраси

Тиббий педагогика факультетининг “Факультет ва госпитал жарроҳлик” кафедраси

Даволаш факультетининг “УАШ тайёрлаш клиник аллергология ва 1-сон УАШ қайта таёрлаш ва малакасини ошириш ўқув курси” кафедраси

Даволаш факультетининг “Факультет ва госпитал терапия тиббий профилактика факультетининг ички касалликлари ва касб касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетининг “Умумий ва болалар жарроҳлиги” кафедраси

Даволаш факультетининг “Асаб касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетининг “УАШ тайёрлаш эндокринология” кафедраси

Даволаш факультетининг “УАШ жарроҳлик” кафедраси

**Хужжатларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Тошкент Тиббиёт академияси ректоратининг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.**

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати, касаба уюшмаси анатомия ва ОЖТА кафедраси меҳнат жамоаси шу кафедра катта ўқитувчиси Бахтияр Ергашевич Худайбергеновга волидаи муҳтарамаси  
**МУХАРРАМ аянинг**  
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:  
**TOSHKENT  
TIBBIYOT  
AKADEMIYASI**

MUHARRIR  
**TURDIQUL  
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:  
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),  
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,  
L.Abuqodirova.

Gazeta Pentium-IV  
kompyuterida sahifalandi va Toshkent  
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida  
400 nusxada chop etildi.  
Manzilimiz:  
Toshkent shahri, Farobiy  
ko'chasi, 2-uy  
Nashr uchun ma'sul  
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot  
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda  
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi  
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun  
mualliflar javobgardir  
**Gazeta bepul tarqatiladi**

Topshirish vaqti: 14.00



# TIBBIYOTNOMA

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI


№11 2014-YIL NOYABR

## МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИГА

Республика миз тараққиётга таъсир кўрсатган оламшумул воқеалар жуда кўп. Шулар ичида тараққиётимизни белгилаб берган Конституциямизнинг қабул қилинишидир. Конституция инсон ҳуқуқ ва манфаатларини юзга чиқарадиган, уни ҳимоя қилишдаги асосий ҳужжатдир.

Конституциямизда нафақат инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари эътироф этилган, балки кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг тамал тошини қўйди, десак асло муболаға бўлмайди. Инсон-жамият-давлат концептцал ғояси ҳам Конституцияга кўра ишлаб чиқилган бўлиб, унда белгиланган вазифалар бугун ўз тасдиғини топди. Президентимиз таъкидлаганидек, “Авалло, барчамиз бир ҳақиқатни англаб, тушуниб бормоқдамиз — бугун жамиятимизда қандай ютуқ ва марраларга эришаётган бўлсак, буларнинг пойдеворида Конституциямиз — буюк ҳаёт қомусимиз турибди” (Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. 8 жилд. Т.:Ўзбекистон, 2000. 87-бет.)

Конституция бугуннинг қомуси бўлиб қолмай, балки келажакимиз, демократлашган жамиятимиз истиқболлини аниқ белгилаб берган олий юридик ҳужжат ҳамдир. Конституциямиз қабул қилинганидан буён унинг асосида жуда кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Маъ-



лумотларга қараганда, бугунгача Олий Мажлис томонидан 1:5 та Кодекс, 500 дан зиёд қонун қабул қилинди ва 200 дан ортиқ халқаро шартномалар ратификация қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жаҳон давлатлари томонидан юксак эътироф этилаётганлиги бежиз эмас. Бош қомусимизда миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик тамойиллари мужассам. Конституциянинг 8-моддасида Ўзбекистон халқининг миллатидан қатъи назар мамлакатимиз фуқаролари ташкил этиши белгилаб қўйилган. Шунингдек, Конституциямизда маънавий қадриятларимиздан бири бўлган “Маҳалла” тушунчаси эътироф этилган. Бу маҳалланинг маънавий қадрият, ҳокимият тури, “демократия: дарсхонаси” эканлигини қонуний-ҳуқуқий тарзда намоён қилган.

Хуллас, Конституция том маънода ҳаётимизни белгилайдиган, ёруғ келажакимизни англаувчи дастуруламалдир. Бугунги давр ёшлари Конституцияни кўпроқ ўрганиши, унинг маъно-маъмунини янада тереңроқ англаши унинг ҳақиқий фуқаро ва етуқ инсон бўлиб етишишини ифодалайди. Халқимизни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллиги байрами билан чин қалбимиздан муборакбод этамиз!

**Нилуфар НИЁЗОВА,**  
ижтимоий фанлар кафедраси  
катта ўқитувчиси, ф.ф.н., даволаш  
факультети 203-гурух талабалари



## ФАҲР ВА ИФТИХОР РАМЗИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи Ўн иккинчи қақирққ Ўзбекистон

Республикаси Олий Кенгашининг VII сессиясида 1991 йил 18 ноябрда тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рамзи мамлакатимиз ҳудудидида илгари мавжуд бўлган ғоят қудратли салтанатлар байроғига хос бўлган энг яхши анъаналарни давом эттирган ҳолда мустақил республикамизнинг табиатига хос бўлган хусусиятларни, халқимизнинг миллий ва маданий соҳалардаги ўзлигини акс эттиради.

Байроқдаги мовий ранг — тириклик мазмуни акс этган мангу осмон ва оби ҳаёт рамзидир. Тимсоллар тилида бу — яхшиликни, донишмандликни, ҳалолликни, шон-шухрат ва садоқатни билдиради. Байроқдаги оқ ранг — муқаддас тинчлик рамзи бўлиб, у кун чароғонлиги ва коинот ёриткичлари билан уйғунлашиб кетади. Оқ ранг поклик, беғуборлик, софлик, орзу ва хаёллар тозаллиги, ички гўзалликка интилишнинг тимсолидир.

Яшил ранг — табиатнинг янгилиниш рамзидир. Қизил чизиклар вужудимизда жўшиб оқаяётган ҳаётнинг қудрат ирмоқларидир.

Байроқнинг юқори қисмида ярим ой Ўзбекистон халқининг кўп асрлик анъаналарига мувофиқ келади. Ярим ой ва юлдузлар — мусоффо осмоннинг, тинчликнинг рамзидир. 12 рақами — қадим вақтлардан буён мукамаллик тимсоли бўлиб келган, шунинг учун бизнинг байроғимизга ҳам 12 юлдуз тасвири тушурилган. Байроқнинг узунлиги 250 см, кенглиги 125 см.га тенг.

Давлат байроғи — бизнинг ўтмишимиз, бугунги кунимиз ва келажакимиз рамзидир.


Республика миз Президенти И.Каримов таъбири билан айтганда “Миллий валюта, байроқ, герб, мадҳия, Конституция каби давлат ва халқнинг рамзи, мустақилликнинг муқаддас белгисидир!”.

**Фарида УМАРОВА,**  
ижтимоий фанлар кафедраси  
ўқитувчиси



Ҳикмат

Меҳр йўқ жойда интилиш ҳам бўлмайди.



Ҳикмат

## Bayrog'imiz – milliy g'ururimiz

Har qanday mustaqil davlat singari O'zbekiston Respublikasi ham o'z oliy davlat hokimiyati tomonidan belgilangan va Asosiy Qonunda mustahkamlangan davlat ramzlari – Bayrog'i, Gerbi va Madhiyasiga ega : Davlat ramzlarining mavjudligi O'zbekistonning amalda mustaqilligini va erkinligini yaqqol tasdiqlaydi . Binobarin , O'zbekiston Konstitutsiyasining 5-moddasida "O'zbekiston Respublikasi qonun bilan tasdiqlanadigan o'z davlat ramzlari: bayrog'i, gerbi va madhiyasiga ega" , deb mustahkamlangan .

Davlat ramzlari xalq va davlat hokimiyati irodasi , maqsadi , intilishlari va rivojlanish yo'lining mazmunan birligini , davlat tuzumining eng muhim xususiyatlarini aks ettiradi . Davlat ramzlari jamiyatda oliy iroda sub'yektini ifodalash bilan birga , shu iroda atrofida odamlarni birlashtiruvchi milliy g'oyani mafkuraviy ta'sir vositasi vazifasini ham bajaradi . O'sib kelayotgan yosh avlod qalbida ona-yurtga e'tiqod , uning buyuk kelajagiga ishonch ruhini tarbiyalashga xizmat qiladi . O'zbek xalqining buyuk davlat barpo etish g'oyasi , salohiyati va umuminsoniy qadriyatlariga sodiqligi , eng avvalo , davlat ramzlari va timsollarida o'z ifodasini topgan .

Davlat ramzlari haqida gapirar ekanmiz , avvalo, ularning mohiyatini , nima uchun zarurligi va tarixiy kelib chiqishi haqida ham bilib olish kerak . Shundagina ularning davlat hayotida tutgan o'rnini

va ahamiyati tushunarli bo'ladi . Otabobolarimiz ramzlar va timsollarga hurmat va ehtirom ko'rsatganlar . Ajdodlarimiz davlat timsollari va ramzlari uchun o'z jonlarini ham fido etganlar . Jang-u jadallarda bayrog'ning qulashi yoki dushman qo'lga o'tishi mag'lubiyat bilan barobar turgan . Kelajagi buyuk , mustaqil davlat barpo etilishi bilan "O'zbekiston Respublikasi davlat bayrog'i to'g'risida" gi Qonun 1991-yilning 18-noyabrida O'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining VIII sessiyasida qabul qilindi . O'zbekiston Respublikasi davlat bayrog'i ramzi mamlakatimiz hududida ilgari mavjud bo'lgan g'oyat qudratli saltanat bayrog'lariga xos bo'lgan eng yaxshi an'analarini davom ettirgan holda , Respublika tabiatiga xos xususiyatlarni xalqimizning milliy va madaniy o'zligini ham aks ettiradi . Bayrog'imizda , xalqimizning xohish - irodasi , aql – salohiyati , milliy o'tmishimiz an'analari , ya'ni moviy rang – mangu osmon , musaffo suv ramzi , Sharqda azaldan qadrlangan bu rangda o'z vaqtida Amir Temur ham o'z bayrog'iga shu rangni tanlaganligi bilan ahamiyatga egadir . Oq rang – tinchlik va barqarorlik timsoli bo'lib , yosh mustaqil davlat yo'lining charog'on bo'lishi . Qizil yo'llar - kuch tiriklik ramzidir ya'ni har bir tirik jonning qon tomirimizda oqayotgan qonimiz , Yashil rang – orombaxsh tabiat timsoli . Hozirgi vaqtda butun dunyoda atrof-

muhitni muhofaza qilish harakatlari keng yoyilmoqda, uning ramzi ham yashil rangdir . Yarim oy – O'zbekiston xalqining ko'p asrluk an'analari , yulduzlari musaffo osmonning tinchlik ramzlaridir, ya'ni bu o'lkada barkamollik , mukammallik timsoli hisoblanadi .

O'zbekiston Respublikasining davlat bayrog'i New-York shahrida joylashgan Birlashgan Millatlar Tashkiloti qarorgohi va dunyodagi suveren davlatlar bayroqlari qatorida turibdi . O'zbekiston bayrog'i horijiy mamlakatlarda Prezidentimiz boshliq davlat deligatsiyasini qabul qilish marosimida chet el davlat deligatsiyalarini O'zbekiston qabul qilish marosimlarida ko'tariladi . O'zbekiston Respublikasi Davlat mustaqilligining ramzlari muqaddas bo'lib, ularni har qanday yo'l bilan taxqirlash qonun bilan javobgarlikka tortiladi . O'zbekiston bayrog'i O'zbekiston Prezidenti qarorgohi Oqsaroy binosi, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlis binosi tepasiga ilib qo'yilgan . O'zbekiston sportchilari jahon sport musobaqalarida g'oliblikni qo'lga kiritib, shohsiupaga ko'tarilgan paytida ham O'zbekiston bayrog'i ko'tariladi . Shu boisdan mamlakatimizda va jahon uzra O'zbekiston bayrog'ining ko'tarilishi, bir tomondan, davlatimiz shon-shuhratini ko'rsatsa, ikkinchi tomondan, barchamizga quvonch, faxrlanish, g'urur bag'ishlaydi .

Sh.Yunusova  
TTA qoshidagi akademik litsey  
ijtimoiyfanlar  
kafedrasi mudiri

### 2014 йил – Соғлом бола йили

## РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК ВА СОҒЛОМ АВЛОД



**Пойтахтимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш ва уни такомиллаштириш мавзусига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида репродуктив саломатлик билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш устувор вазифага айланди. Бу жараёнда жамиятнинг бошланғич бўғини бўлган оиланинг ҳуқуқий асослари тобора мустаҳкамланмоқда. Зеро, жисмонан ва маънан соғлом авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни беқиёсдир.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оилалар тиббий маданиятини юксалтиришда тарғибот-тушунтириш ишларини изчил олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Республика "Оила" илмий-амалий маркази

ҳамда БМТ Аҳолишунослик жамғармаси ҳамкорлигида Навоий, Хоразм, Сурхондарё вилоятларида мавзуга оид турли маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, семинар-тренинглар ташкил этилди. Ушбу тадбирларда тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилган ҳудудлардаги ўзгаришлар, ютуқ ва камчиликлар таҳлил этилди.

Анжуманда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги устувор вазифалар, оналар ва болалар саломатлигини тиклашнинг долзарб масалалари, репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни такомиллаштиришга оид мавзуларда маърузалар тингланди.



## ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ, ФУНДАМЕНТАЛИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ — ТАРАҚҚИЁТ ДУШМАНИ

**Диний экстремизм ва фундаментализм каби ҳодисаларнинг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалса-да, улар ҳеч қачон ижтимоий барқарорлик ва тараққиёт учун бугунгидек таҳдид солмаган. Шундай экан, унинг олдини олиш ва унга қарши курашиш инсониятнинг истиқболига дахлдор масалага айланди.**

Мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов таъкидлаганларидек: "Халқимиз табиатига мутлақо ёт бўлган сиёсий, диний экстремизм, ақидапарастлик ва бошқа ёвуз оқимларнинг минтақамизга кириб келиши ва тарқалиши тинчлик ва осойишталикка, фарзандларимизнинг келажагига катта хавф туғдиришини одамлар онгига чуқур сингдириб бориш керак. Халқимиз тафаккурида юксак ахлоқий, маънавий қадриятларни қарор топтириш ва мустаҳкамлаш орқали уларни ёвуз кучларга қарши курашишга сафарбар этиш зарур".



Дин кишиларни ҳамиша яхшилик ва эзгу ишларга чорлаган. Ислон дини туфайли халқимиз минг йиллар мобайнида бой маънавияти ва меъроси, ўзлигини омон сақлаб келган. Халқ томонидан асрлар оша эъзозланиб келинган қадриятлар тизимида диний қадриятлар алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекистон халқи томонидан азалдан ардоқланиб келинаётган қадриятларнинг аксариятига ислоний руҳият ва шарқона одоб-ахлоқ чуқур сингиб кетган. Истиқлол шарофати билан эса диний эркинликларга янада кенг йўл очилди.

Ҳозирда диний-экстремистик ва террорчи ташкилотлар ўз мақсадларини амалга ошириш учун халқлар ўртасида биринчи навбатда миллатчилик ва диний айирмачиликни келтириб чиқариш ва шу йўл билан бир давлатда яшаётган турли миллат вакиллари ўртасида миллий, диний ихтилоф ва низоларни вужудга келтиришга уринмоқда. Шу боис, Президент Ислон Каримов ер юзида содир бўлаётган бундай офатларнинг қандай кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида шундай дейди: «Таассуфки, баъзан ислон дини ва диний ақидапарастлик тушунчаларини бир-биридан фарқлай олмаслик ёки ғаразли мақсадда уларни тенг қўйиш каби ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқда. Шу билан бирга, ислон динини ниқоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган мутаассиб кучлар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, таж-

рибасиз, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, бош-кўзини айлантириб, улардан ўзининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бундай ноҳўя ҳаракатлар аввало муқаддас динимизнинг шаънига доғ бўлишини, охир-оқибатда эса маънавий ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатишини барчамиз чуқур англаб олишимиз ва шундан хулоса чиқаришимиз зарур». Мустақилликни қўлга киритганимиздан сўнг, аввало, миллий қадриятларимизни тиклашга эътибор қаратилди. Бу халқимизнинг миллий ва мафкуравий онгини юксалтириш, улар қалбига миллий истиқлол ғояларини сингдиришда акс этди. Давлатчилигимизни мустаҳкамлаш ва мудофаани юксалтириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди. Яна бир муҳим вазифа бозор муносабатларига асосланган эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришга эътибор қаратилди. Аҳоли қатламини кучли ҳимоя қилиш уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини рўёбга чиқариш бўйича ҳозирда давлатимизда оқилона сиёсат ўтказилмоқда.

Хулоса қилиш керакки, экстремизм, фундаментализм, терроризм каби иллатлар давлатимизнинг миллий хавфсизлигига таҳдидгина эмас, балки мамлакатимизда фаолият кўрсатиб келаётган барча соҳанинг барқарор ривожланишига, тараққиётимизга катта салбий таъсир кўрсатади, унинг издан чиқишига олиб келади. Шуларни назарда тутган ҳолда ҳар бир соҳа вакиллари, аввало, огоҳлик ва ҳушёрликни оширган ҳолда, юқори савиядаги маънавий-маърифий, сиёсий дунёқараш билан юксак профессионаллик асосида ишга ёндашиши, фаолияти давомида юртимиздаги ва жаҳондаги ислохотлар моҳияти ҳамда аҳамиятини ўз вақтида англаб етиб, қонун доирасида иш юритиши мақсадга мувофиқдир. Зеро Президентимиз таъбири билан айтганда "...халқ бамисоли улуғ ва шарафли йўлдан илгарилаб бораётган улкан карвон. Карвон бехатар бўлмас. Уни чалғитишга, йўлдан уришга ҳаракат қилувчилар ҳамиша бўлган. Аммо халқ карвонини ҳеч қандай куч ортга қайтаролмайди. Нега деганда халқнинг қалбида авлодлардан меърос енгилмас куч-маънавият бор!"

Н.Х.АБДУРАХМАНОВА,  
ТТА ижтимоий фанлар кафедраси  
ўқитувчиси





ТТА қошидаги академик лицейнинг катта мажлислар залида табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино ҳаёти ва ижодига бағишлаб анжуман ўтказилди.

Тадбир ТТА «Ибн Сино саломатлик маскани» маркази ва Ибн Сино жамоат фонди ўртасида тузилган меморандум асосида ташкил этилди. Анжуманда ахборот воситалари ходимлари ҳам иштирок этишди.

Тадбирни Жамоат соғлиқни сақлаш мактаби кафедрасининг 1-босқич магистри Саидов Акмал ва даволаш факультети талабаси Акромова Маъмуралар олиб бордилар.

ТТА маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор Т.А. Бобомуратов Тиббиёт илмининг султони бобокалонимиз Ибн Синонинг тиббиётда ёшлар

учун қолдирган таълимоти ва илмий салоҳияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтди.

Шунингдек, Ибн Сино жамоат фонди раиси Ш.Я. Закирхўжаев Ибн Сино тиб қонунлари ҳақида анжуман қатнашчиларига керакли маълумотлар бериб ўтди.

## ИБН СИНО МЕРОСИНИ ҲАҚИДА

Таклиф этилган меҳмонлардан биология фанлари номзоди ТАТУ доценти Ойдин Ҳайдарова ўз нутқида Ибн Сино бобомиз соғлом турмуш тарзининг асосчисидир дея таъриф берди.

Сўнгра тиббий профилактика факультети 301-гуруҳ талабаси Ашуров Жамшид инглиз тилида Ибн Сино бобомиз қолдирган бой илмий мерос ва замонавий тиббиёт ҳақида маъруза қилди.

Олий тоифали жарроҳ Илёс Юнусов қаламига мансуб бобокалонимиз «Абу Али Ибн Синони эслаб» қасидасини даволаш факультети талабалари Музаффарова Фарангиз ва Ҳакимов Аҳмаджонлар ёддан айтиб бердилар.

Дарҳақиқат, биз ёшлар буюк аجدларимизнинг жаҳон маданияти ва цивилизациясига қўшган буюк

хиссасини ва Ибн Сино бобомизнинг «Тиб қонунлари» асари соғлом турмуш тарзи деган тушунчаларининг фундаментал асоси эканлигини унутмайлик!

Зотан, ушбу ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш бизнинг фуқаролик бурчимиздир.

**М.А. ҚОДИРОВА,**  
ТТА «Ибн Сино саломатлик маскани» маркази раиси, доцент

## САЙЛОВ ҲУҚУҚИ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

«Сайлов» деганда бирон-бир органи, масалан, ҳокимиятнинг вакиллик органи, жамоатчилик органи ва ҳоказоларни овоз бериш йўли билан шакллантириш тушунилади. Умуман сайловлар ўз мазмунига кўра, давлат ҳокимияти вакиллари, шунингдек, жамоат бирлашмалари раҳбар органларини сайлаш тартиби демакдир.

«Сайлов ҳуқуқи» ибораси икки маънода ишлатилади. Биринчидан, сайлов ҳуқуқи — сайланадиган давлат органларини шакллантириш тартибини белгиловчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси. Сайлов ҳуқуқи — конституциявий ҳуқуқнинг муҳим институтларидан бири. Сайлов ҳуқуқининг асосий принциплари конституцияларда, сайловлар ҳақидаги махсус қонунларда мустаҳкамлаб қўйилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117- моддаси айнан сайлов тизимига бағишланган. Шунингдек «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги ва «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» ги қонунлар бевосита сайлов ҳуқуқини тартибга солувчи қонунлардир.

Сайлов ҳуқуқи иккинчи маънода фуқаронинг сайланадиган давлат органини шакллантиришда қатнашишдан иборат бўлган субъектив ҳуқуқини англатади. Бунда

фуқаронинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари назарда тутилади.

Сайловлар фуқароларимизнинг, айниқса талаба-ёшларимизнинг сиёсий фаоллигини ошириш билан бир қаторда икки палатали Парламентимизни шакллантириш ва унда фаолият юритадиган профессионал, депутатликка муносиб номзодларни танлаб олиш учун кенг имконият яратлади. Бунинг натижасида юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш учун шарт-шароит яратилган бўлади. Бу каби олижаноб мақсадларга эришиш учун барча фуқароларимиз, талаба-ёшларимиз сайловга оид қонунчилик талабларини яхши билишлари ва моҳиятини чуқур англаб етишлари лозим бўлади.

Жорий йилнинг 21-декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, яъни вакиллик ҳокимияти органларига сайловлар бўлиб ўтади. Бу муҳим сиёсий тадбирга Тошкент Тиббиёт академияси жамоаси фаол қатнашиш мақсадида тайёргарлик ишларини бошлаб юборган. Жумладан академия ижтимоий фанлар кафедраси профессор-ўқитувчилари академия жамоаси ва талабалар орасида тушунтириш, тарғибот ишларини олиб бормоқда.

**Суҳроб НОРҚУЛОВ,**  
фалсафа фанлари номзоди,  
ОМХ факультети декан муовини

### Что это такое?

ВИЧ-инфекция — это медленно прогрессирующее вирусное заболевание иммунной системы, приводящее к ослаблению иммунной защиты от опухолей и инфекций. Стадия ВИЧ-инфекции, при которой из-за снижения иммунитета у человека появляются вторичные инфекционные или опухолевые заболевания, называется синдромом приобретенного иммунодефицита (СПИД).

Первые сообщения о ВИЧ-инфекции и СПИДе появились в начале 80-х годов XX века. Сейчас эти названия известны даже ребенку. Такая всемирная информационная кампания стала следствием того, что болезнь распространяется в геометрической прогрессии, лекарство от нее до сих пор не найдено, и единственный способ сдержать ее распространение — научить людей избегать заражения смертельным вирусом.

К настоящему времени известно, что этот вирус родом из Западной Африки, определена его природа и структура, исследованы пути передачи и жизнеспособность вируса, одна-

ко пока все это так и не привело к созданию по-настоящему эффективного лекарства. Статистика распространения ВИЧ-инфекции ужасает — на данный момент в мире уже более 50 млн. человек инфицированы ВИЧ или больны СПИДом.

Симптомы этого заболевания были впервые зарегистрированы в 1978 г. у нескольких пациентов в США и Швеции (у мужчин-гомосексуалов), а также в Танзании и на Гаити (у гетеросексу-

## ВИЧ-инфекция и СПИД

алов обоего пола). А в 1983 г. Люк Монтанье из Института Пастера (Франция) открыл вирус иммунодефицита человека (ВИЧ), который является причиной ВИЧ-инфекции.

### Отчего это бывает?

Существует несколько путей заражения ВИЧ-инфекцией: незащищенный (без презерватива) половой акт (70-80 процентов); совместное использование шприцев, игл и другого инъекционного инструментария (5-10 процентов);

переливание зараженной крови (5-10 процентов);

передача вируса от ВИЧ-позитивной матери ребенку — во время беременности, родов и при кормлении грудью (5-10 процентов);





использование нестерильного инструментария для татуировок и пирсинга;

использование чужих бритвенных принадлежностей, зубных щеток с видимыми остатками крови (крайне редко).

ВИЧ передается через кровь, сперму, влагалищные

выделения и материнское молоко, при этом не существует опасности заражения через другие биологические материалы (такие как слюна, пот, слезы, моча и фекалии). Происходит это потому, что для заражения необходима некая минимальная концентрация вируса. Так, необходимое для заражения количество вируса содержится в капле крови, которая умещается на конце швейной иглы, а объем слюны, в котором будет содержаться такое же количество вируса, составит 4 литра.

**О. Шарипова,**  
К.М.Н. доцент





## СОҒЛОМ БОЛАНИНГ ВОЯГА ЕТИШИДА МАЪНАВИЙ МУҲИТНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўтиб бораётган 2014 йилни Президент Ислом Каримов ташаббуси ва таклифи билан “Соғлом бола йили” деб аталиши, Давлат дастурининг қабул қилиниши фақат юртимизда эмас, халқаро майдонда ҳам юксак эътирофга сазовор бўлди. Маълумки, боланинг шахс сифатида шаклланишида учта омил ҳал қилувчи рол ўйнайди: биринчиси – ирсият, иккинчиси – тарбия, учинчиси – ижтимоий муҳит. ХХ асрда жадал ривожланган генетика фани доирасида ўрганиладиган ирсият, яъни инсон туғма равишда аввалги авдождаридан мерос қилиб оладиган жисмоний, физиологик, психологик тузилиш ва хусусиятлар жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ирсият, насл-насаб жуда муҳим омил, аммо, гўдаклигида ҳайвонлар муҳитига тушиб, яшаб қолган кимсалар тақдири тарбия ва ижтимоий муҳит бўлмаса инсоний онг, ақл, иймон шаклланишнинг кўрсатади. Насл-насаби яхши бўлиб, атроф муҳити ҳам ижобий бўлса-да бироқ тарбия кўрмаган одам ҳам комилликдан йироқ бўлиши аниқ.

Ижтимоий муҳит – таҳлили шуни кўрсатадики шахс вояга етиб улғаядиган оила, кўча-кўй, маҳалла, мактаб ва унганча бўлган ҳамда ундан кейинги таълим муассасалари,

меҳнат жамоаси, формал ва неформал гуруҳлар, кенг маънода жамият инсон кадрларининг, интилиш ва ниятларининг шаклланишида жуда муҳим роль ўйнайди.

Мамлакатимизда маҳалла ва мактаб каби ижтимоий муҳит компонентлари тамойиллари ҳам батафсил ишлаб чиқилган. Бизнинг

назаримизда, айрим кишилар, кўпинча ёшлар билиб-билмай кириб қоладиган неформал жамоалар, гуруҳлар нисбатан кам ўрганилган. Диний секталар, мазҳаб вакиллари-нинг миссионерлик фаолияти туфайли ўз имон-этиқодини ўзгартириб, муртад бўлаётганлар, экстремистик ва террористик гуруҳлар домига илинаётганлар, одам савдоси билан шуғулланувчи каззоблар ҳийласига учаётганлар ҳам ўзимизнинг одамлар, улар ҳам ўз мактабларимизда таълим олган, маҳаллада тарбия кўрган. Аммо айнан бузғунчи муҳитга тушиб қолиб, ёвузлик ботқоғига бота бошлаган. Бинобарин, ижтимоий муҳитни чуқур ва атрофлича тадқиқ этиш, керак бўлса, бу муҳитнинг мониторингини олиб бориш, маънавий профилактикаси масалаларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган,

яъни, халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Айни пайтда, жамоавий муҳит, бошқача айтганда, “замонанинг зайли”, теварак муҳит маънавий юксалиш учун фон, саҳна, майдон вазифасини бажаради. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини, бизни ўраб турган маънавий муҳитни ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди.

Демак, биз истиқбол тўғрисида ўйлар эканмиз, ижтимоий муҳитни маънавий бойитишга ҳам эътибор беришимиз, давлатимиз келажagini ўз қобиғимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик кадрларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур қилишимиз тақазо этилади.

Бўлажак даврдаги ижтимоий муҳитимиз, бизнинг истиқболимиз давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, фикрлар рангбаранглигини ўз ҳаётимизга янада кенгроқ жорий қилиш, соғлом муҳит, соғлом оила, соғлом болаларни вояга етказиш билан боғлиқ.

**Саида СОАТОВА,**  
Тошкент Тиббиёт академияси  
ижтимоий фанлар кафедраси  
катта тажрибакори

Ҳар бир инсоннинг кийим-боши унинг маданий, ақлий, ахлоқий, маънавий даражасини кўрсатади. Маълумки, кийимнинг ҳам ўзига хос талаблари ва қоидалари бор. Лекин, минг афсуски, ҳамма ҳам бунга амал қилмайди. Шунга кўра баъзиларнинг кийими одамларда ҳавас уйғотса, баъзиларнинг кийими эса ажаблантириб, нафратингизни кўзгатади. Бунинг сабаби нимада? Ҳозир шулар ҳақида фикрлашамиз.

Ҳўш, кийимнинг маданияти деганда нимани тушунамиз? Бу саволга ҳамма ҳам хил жавоб беради: кимдир кийимнинг маданияти деганда “модний кийим”ни яъни ўзига ярашадиган, охириги услубдаги кийимларни кийишни тушунса, кимдир замонавий ва гўзал юришни тушунади. Лекин фақат ташқи гўзаллик билан эмас, балки орасталигимиз, юриш-туришимиз, ҳаётга, турмушга муносабатимиз, билимдонлигимиз, ахлоқ-одобимиз билан ҳам гўзал бўлишга ҳаракат қилиш лозимлиги кўпинча ёшларнинг ёдидан кўтарилмоқда.

Албатта, кийимнинг воситасига айланиб қолмаслиги керак. Баъзи ўзига бино қўйган ёшлар кўпинча бошқаларни қўйиб қолдириш, ўзига жалб қилиш учун безиришга ружу қўяди. Аммо ҳақиқий маданият одам кийимида меъёрга амал қилиши зарур.

Кийимнинг маданияти деганда нимани тушунмоқ лозим. Аввало, маданият сўзига тухталиб ўтсак. Маданият сўзи бизга араб тилидан кириб келган бўлиб “цивилизация”, “тараққиёт каби маъноларни англатар экан, бу сўз ҳар бир соҳа жамият ёки халқ бўладими фақат ижобий маънода қўлланилиши шарт. Лекин баъзи ўзларини “маданият” сановчи тоифалар номақбул амалларини маданият дея аташга улгуришди. Масалан чекиш — маданият, ичиш — маданият, тирноқ ўстириш — маданият, соч кесиш — маданият ва ҳаттоки аёлларни ярим яланғоч кийинишини ҳам маданият ҳисоблай бошлашди.

Кийимнинг маданияти деганда аввало юқорида таъкидлагандек замонавий кийимнинг, ўзига ярашадиган кийимларни кийиш билан бирга ўзимизнинг миллийлигимизни унут-



маган ҳолда биз кийимнинг авлодимиз дея ўзлигига савол берган ҳолда кийинсак мақсадга мувофиқ бўлар эди. Баъзи бир ёшларимиз ўзларининг турли хил очиқ-сочиқ кийимлари ва ҳар хил соч турмакларини, ҳаттоки турли тақинчоқлар (биллак узуклар-у қўшақўша узуклар) тақиш билан ўзларини

нинг учун, аввало ота-она, жамоатчилик, маҳалла, қариндош-уруғлар ва қолаверса сиз ёшлар — ҳаммамиз биргаликда иш олиб бормоғимиз керак. Ана шундагина натижаси яхши бўлади.

Унутманг, палапартиш кийинган кишини ҳеч қаерда хуш кайфият билан кутиб олмайдилар. Ўзини ва ўзгаларни унчалик назарга илмайдиган кишиларгина бачкана, палапартиш кийиниб инсонлар кўзига кўринишдан андиша қилмайди.

## “ЁШЛАР ВА КИЙИНИШ МАДАНИЯТИ”

дарсдан чалғитиш баробарида, олдидаги бошқа талабаларнинг ҳам фикри ҳаёлининг бузилишига сабаб бўлмоқдалар.

Айрим ёшлар “Агар мен замонавий модага асосан ғарбча услуб билан кийинишни хоҳласам буни нимаси ёмон”, — дея эътироз билдирадилар.

Тўғри, кийимнинг замонавий бўлиши-йигит-қизга ҳам, эркагу-аёлга ҳам ҳусн. Лекин унга қизиқиб, мода ортидан қуввиш одобсизлик ва маданиятсизликдир. Халқимиз фахм-фаросатли, одобли инсонни унинг кийимнинг маданиятидан яхшигина ажратиб олади. Айниқса ёшига, жинсига қараб кийинмаслик ўта беодобликдир. Баъзи қизларимиз шим кийиб, сочларини қирқиб, эркакча кийинадилар. Айрим йигитлар эса сочини ўстириб ҳар хил рангли бўёқлар билан бўяб, бўйнига тақинчоқ, қулоғига сирға тақадилар.

Баъзилари эса калта шимда жамоат жойларида юрадилар. Бу менимча кийимнинг маданиятига тўғри келмайди.

Албатта бундай ҳолатларнинг олдини олиш керак деб ўйлаймиз. Бу-

Ташқи кўриниш нафақат қизлар учун, балки йигитлар учун ҳам жуда аҳамиятлидир. Яна бир бора таъкидлаймиз, кийимнинг инсоннинг маънавияти, диди, дунёқарашини, қай даражада тартибли эканлигини очиқ беради. Сизнинг ташқи кўринишингиз-муваффақиятга эришишингиздаги муҳим омиллардан биридир.

Мақола сўнгида кийимнинг одоб ҳақида шундай бир ривоят айтиб беришни ўзимизга жоиз деб билдик.

«Ўлимга маҳкум қилинган бир аёл қатл қилишга олиб келаётганларида соқчилардан ип билан игна сўрабди. Соқчилар сабабини сўрашибди.

Аёл: “Тиззамнинг ёнидаги чоки сўкилибди, шуни тикиб қўяй” — дебди. Соқчи: ахир сен ҳозир ўласан-ку, тикиб нима қиласан?

Аёл эса шундай жавоб берибди: «Мен аёлман! Шарм-ҳаёни сақлай. Ўлим сари кетаётган бўлсам ҳам номусим ҳаққи, халойиқ олдига аёлдек чиқишим керак».

**Лола АБДУҚОДИРОВА,**  
ТТА ХҚҚ раиси

